

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВ ХУСАН ФУРКАТОВИЧ

**СОЦИАЛ КАПИТАЛ АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИНИ
ОШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК: 316.3:316.334.3:314.12:316.323.6(575.1)

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Sociological Sciences**

Акромов Хусан Фуркатович

Социал капитал аҳоли турмуш сифатини оширишнинг
омили сифатида.....

3

Акромов Хусан Фуркатович

Социальный капитал как фактор повышения качества
жизни населения.....

25

Akromov Khusan Furkatovich

Social capital as a factor in improving the quality of life
of the population.....

47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

52

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АКРАМОВ ХУСАН ФУРКАТОВИЧ

**СОЦИАЛ КАПИТАЛ АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИНИ
ОШИРИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Sots22 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.moiti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фарфиев Бахрамджан Атхамджанович
социология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Умаров Абдусалом Адилович
социологи фанлари доктори, профессор

Тўраев Одилжон Бектемир ўғли
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳузурида илмий даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий кўчаси 1-Г уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92, e-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com.)

Диссертация билан Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий кўчаси, 1-Г уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92, e-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.М.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.Х.Абдураманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида аҳоли турмуш сифатини ошириш учун социал капитал концепциясини татбиқ этиш бўйича турли методологик ёндашувлар вужудга келаётганлиги, аҳоли социал капиталини тадқиқ этишда нафақат умумэътироф этилган ёндашувлар, балки ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-маданий хусусиятларини ифода этадиган этно-методологик тамойилларни қўллаш муаммоси ҳам устувор ижтимоий масалалар сирасига кирмоқда. Маълумотларга кўра, «дунё мамлакатлари харитасида социал капитал рейтинги 2020 йил бўйича 167 та мамлакат ичида 1-ўринни Дания Қироллиги эгаллаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси 20-ўринни забт этди»¹. Бу борада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтган чорак аср давомида янада такомиллашди, замонавий шароитларда социал капитал ҳодисасини ўрганиш зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда социал капиталнинг шахсий ва социал муносабатлар, институтчионал ишонч, ижтимоий меъёр ва фуқароларни жамоатчиликдаги иштироки каби ўлчовлар асосида мақсадли изланишлар олиб борилиб, жамиятдаги кишилар ўртасидаги дўстлик, ишонч, ҳамкорлик, социал бирдамлик каби маънавий қадриятларга таянадиган, моддий фаровонликка етакловчи номоддий манбаалар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) «Better Life Index²» рейтинг тадқиқотларида, Economist Intelligence Unit компаниясининг «Quality-of-life index, where-to-be-born index» дастурлари доирасидаги тадқиқотларда ва Легатум институтининг «The Legatum Prosperity Index™ 2020»³ рейтинг тадқиқотларида тизимли таҳлил қилиш зарурати илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг турмуш даражасини оширишга эътибор қаратилганлиги аҳоли реал даромадларини ўсишига, турмуш шароитининг сифатини ошишига боғлиқдир. «...биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади»⁴. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз аҳолиси турмуш сифатининг ошиши бевосита кишиларнинг бир-бирлари билан самимий ишонч, ҳамкорлик ва социал бирдамликка асосланган муносабатларга киришишлари билан белгиланади. Мазкур муносабатлар социал капитал концепциясининг ядросини ташкил этиши сабабли мамлакатимиз шароитларида унинг ижтимоий-маданий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ <https://www.prosperity.com/rankings>.

² <http://www.oecdbetterlifeindex.org/> Организация по экономическому сотрудничеству и развитию (OECD) (Better Life Index).

³ The Legatum Prosperity Index™ 2020. Fourteenth edition. 2020 The Legatum Institute Foundation. www.legatum.org. *The Legatum Prosperity Index (2020)*. – P. –17. <http://www.prosperity.com>, www.li.com.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 17.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги ЎРҚ-376-сон «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» илмий тадқиқотлари дастурининг устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли турмуш сифатини юксалтириш ва социал капитал масалаларнинг ўзаро алоқадорлигига оид муаммолар инсоният тарихининг барча даврларда ўрганиб келинган. Социал капиталнинг назарий социологик концептуал асосларини шакллантирган олимлардан Л.Ханифан, Ж.Жекобе, Г.Беккер, А.Лайт, Г.Лоури, П.Бурдье, Ж.Коулман, А.Портес, Р.Патнэм, П.Штомпка, М.Грановеттер, С.Кнек ва П.Киффер, М.Муларская-Кучарек, К.Бржежинский, Д.Нараян ва Притчеттлар, Ф.Фукуяма, Р.Берт⁵ социал капиталнинг иқтисодий тараққиётга таъсирини,

⁵ Hanifan L.J. The rural school community center // *annals of the American Academy of Political and Social Science*. Vol. 67. – P. 130-138; Jacobs J. *The Death and Life of Great American Cities*. – N.Y., 1961; Becker G.S. *Human Capital*. – N.Y., 1964; Loury G. The economic of discrimination: Getting to the core of the problem // *Harvard Journal for American public Policy*, 1992. Vol. 1; Bourdieu P. The forms of capital // *Handbook of theory and research for the sociology of education*. – N.Y., 1985; Coleman J. (1988) Social capital in the creation of human capital // *American Journal of Sociology*. Vol. 94. – P. 95-120; Portes A. Social capital: its origins and applications in modern sociology // *Annual Review of sociology*, 1998. Vol. 24. – P. 1-24; Putnam R. *Bowling Alone: The collapse and revival of American community*. – N.Y., 2000; Штомпка П. Доверие – основа общества / Петр Штомпка: пер. с пол. Н.В.Морозовой. – М.: Логос, 2012. – 440 с.; Granovetter M. The Strength of Weak Ties // *American Journal of Sociology*, 1973. V. 78. – № 6. – P. 1360-1380; Knack S., Keefer P. (1997) Does social capital have an economic payoff? A cross-country investigation // *Quarterly Journal of Economics*. Vol. 112. – № 4. – P. 1251-1288; Monika Mularska-Kucharek, Kamil Brzezinski. Horizontal and Vertical Dimensions of Social Trust – The Case of Lodz and the Districts of Lodz Voivodeship // *European Spatial Research and Policy*, 2012. Volume 19. – Number 1. 10.2478/v 10105-012-0011-x. – Page 144; Narayan D. and Pritchett, 1997. Cents and Sociability House hold Income and Social Capital in Rural Tanzania // *Amer. Sociol. Review*, 1997. – № 9; Fukuyama F. *Social Capital and Civil Society*. The Institute of Public Policy, George Mason Univ. 1999. <http://www.imf.org/external/pubs/ft/seminar/1999/reforms/fukuyama/html>; Burt R. (1997) “The Contingent Value of Social Capital”. *Administrative Science Quarterly* 42: 339-650.

ўлчов бирлигини, баҳолашнинг комбинацияланган усулини, ижтимоий тармоқларни баҳолашни таклиф этганлар. МДХ давлатларида В.Радаева, Т.Натхов, О.Демкив, Д.Давыдов, М.Блок ва Н.Головинлар, Е.Чиждова, Н.Лебедева, М.Буидзе, О.Лушникова, Н.Амерханова, Н.Лебедева, Е.Бушина, Л.Черкасова, М.Зазулина, А.Длугопольский ва А.Татарко⁶ каби олимларнинг илмий ишларида социал капиталнинг эволюцион генезиси, турларининг тавсифи, аҳоли турмуш сифатига таъсир этиши ва уни ўлчашнинг методологик хусусиятлари, жамиятдаги капитал даражаси, ташкилотлардаги шакллари, институтчионал асослари, кадрият сифатидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири ва психологик тавсифларини кузатиш мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан О.Салимов, Қ.Қуранбоев, А.Қодиров, М.Бекмуродов, А.Умаров, Ш.Содиқова, Т.Матибаев, Б.Фарфиев, М.Ганиева, Н.Латипова, А.Жалилов ва С.Саидовлар⁷ социал капитал индикаторларининг замонавий жамиятдаги талқини, уларнинг фуқаролик жамияти иқтисодий жиҳатларининг асосини ташкил этиши, аҳоли турмуш сифатини ўлчаш воситаси сифатида тадқиқ этишган.

⁶ Радаев В.В. Понятие капитала, формы капиталов и их конвертация / Общественные науки и современность, 2003. – № 2. – С. 21; Натхов Т.В. Социальный капитал и образование. Вопросы образования. Раздел: Теоретические и прикладные исследования. Журнал. – М., 2012. – С. 63; Демкив О. Социальный капитал: теоретические основания исследования и операциональные параметры. Социология: теория, методы, маркетинг, 2004. – №4. – С. 100; Давыдов Д.А. Теория социального капитала и её нормативные противоречия. Журнал «Полития». Раздел «Политические теории», 2014. – № 3 (74). С. 46; Блок М., Головин Н.А. Социальный капитал: к обобщению понятия. Вестник. Санкт-Петербургский университет, 2015. Серия 12. Выпуск 4. – С. 102; Чиждова Е.Н. Взаимосвязь социального капитала, сферы услуг и качества жизни населения // Вестник белгородского университета кооперации, экономики и права, 2014. – № 1. – С. – 132-137-139; Татарко А.Н., Лебедева Н.М. Социальный капитал: теория и психологические исследования. Монография. – М.: РУДН, 2009. – С. 17, 113-114; Буидзе М.А. Социальные сети как основной элемент социального капитала организации // Международный научно-исследовательский журнал // International research journal // Социологические науки / Sociology. – Екатеринбург, 2015. – № 7 (38). Август. – С. – 105; Лушникова О.Л. Уровни социального капитала: понятийный анализ // Вестник КрассГАУ, 2013. – № 6. – С. – 219; Амерханова Н.А. Взаимосвязь индивидуальных ценностей и доверия как элемента социального капитала // Альманах современной науки и образования / – Тамбов: Грамота, 2012. – № 3 (58). – С. 11-12; Лебедева Н.М., Бушина Е.В., Черкасова Л.Л. Ценности, социальный капитал и отношение к инновациям // Общественные науки и современность, 2013. – № 4. – С. 31; Зазулина М.Р. Социальный капитал: дилеммы теоретической концептуализации // Вести. Новосиб. ун-та. Серия: Философия, 2015. Т. 13, вып. 2. – С. 63; Длугопольский А.В. Роль социального капитала в совершенствовании развития социально-экономических систем // IIS, 2013. – № 3. – С. 84-85; Татарко А.Н. Социальный капитал как объект психологического исследования. Монография. – М., 2011. – С. 15-17-22.

⁷ Дўстлик ҳамсаси / Тузувчилар: О.Салимов, Қ.Қуранбоев, А.Қодиров, М.Бекмуродов, Н.Мамадалиева, Н.Халилов, Л.Тангриев. – Тошкент: “TASVIR”, 2019. – Б. 5; Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография / М.Бекмуродов. – Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. – Б. 52; Умаров А., Рахимова Ш. Жамиятда ахборот алмашинуви ва унинг механизмлари // Kutubxona.Uz. илмий-услубий журнал, 2019. – № 4 (44). – Б. 25; Содиқова Ш. Бошқарув социологияси (Дарслик). – Тошкент: Akademiya, 2020. – Б. 241; Матибаев Т.Б. Ижтимоий ҳамкорлик ва демократия: давлат ва жамият ҳаётининг барқарор тараққиёт йўлида [Матн]. Монография / Т.Матибаев. – Тошкент: “Билим ва интеллектуал салоҳият”, 2019. – 123 б.; Фарфиев Б.А. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётда ислом рационализи омили [Матн]. Монография / Фарфиев Б.А. – Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2019. – Б. 70-115; Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. Методик қўлланма – Тошкент, 2010. – 29 б.; Латипова Н.М. Социальная защита семей и детей в Узбекистане. Монография / Н.М.Латипова; Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека; отв. Ред. Н.С.Аликориёв. – Ташкент: Navro'z, 2018. – 7 с.; Жалилов А., Мухаммадиев У., Жўраев Қ. Фуқаролик жамияти асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: МЧЖ «BAKTRIA PRESS» Нашриёт уйи, 2015. – Б. 112; Саидов С.Ш. Ижтимоий капитал ривожда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш тенденциялари. Сиёсий. ф.бўйича (PhD). дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 13.

Мамлакатимизда олиб борилган турли жиҳатлардаги илмий изланишларда социал капиталнинг концептуал тавсифлари, уларнинг мўлжаллари (ориентациялари) тадқиқ этилган бўлса-да, аммо аҳолининг турмуш сифатини оширишга хизмат қиладиган социал капитал омилининг социологик хусусиятлардаги таҳлили етарли даражада олиб борилмаганлигини қайд этиш лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон аҳолисининг турмуш сифатини оширишда социал капитал омилининг таъсирини социологик жиҳатдан тадқиқ этиш орқали ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

социал капитал генезиси ва эволюциясини очиб бериш;

Шарқ ва Ғарб маданий тизимларида шаклланган социал капитал элементларини аниқлаш;

социал капитал концепциясининг аҳоли турмуш сифатини оширишга хизмат қиладиган миллий индикаторларини ишлаб чиқиш;

социал капитал омилининг структуравий элементларини аниқлаш ва тадқиқ этиш;

турмуш сифати ҳодисасини социал капитал индикаторлари билан боғлиқлигини ўрганиш;

социал капитал ҳодисасининг ижтимоий-маданий хусусиятларини таҳлил этиш;

социал капиталнинг ўзбек миллий хусусиятларини тадқиқ этиш;

ўзбек социумида социал капитал конвертацияси ва уни манзилли ижтимоий ҳимоя тизими фаолиятига таъсир этишини таҳлил қилиш;

социал капитал индикаторларини баҳолаш орқали аҳоли турмуш сифатини ошириш жараёнларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек социумидаги социал капитал ҳодисаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини аҳоли турмуш сифатини ошириш жараёнида социал капитал ҳодисасининг ўзаро алоқаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини олиб боришда тизимлилик, тарихий-хронологик, қиёсий ва корреляцион таҳлил, умумий ва эксперт сўрови, SWOT-таҳлил, SNW-таҳлил ва ҳужжатларни таҳлил қилиш каби умумилмий ҳамда эмпирик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

аҳоли турмуш сифатини оширишда социал институтлар функциялари (ижтимоий муносабатлар, регулятив, интегратив, ижтимоийлашув, коммуникатив)нинг социологик механизмлари (ижтимоий назорат, ижтимоий алоқалар, ижтимоий меъёр, ижтимоий фикр) маънавий омиллар (ахлоқи эътиқоди, дунёқараши, эркинлиги, қадриятлари, менталитет) орқали очиб берилган;

жамият ҳаётининг янги сифат босқичига ўтишига асос бўлувчи мезонлари (фаоллик, виждон эркинлиги, ўзаро ёрдамнинг мавжудлиги, ўзаро ишонч, истиқболига ишониши, инсонлар билан ўзаро алоқага киришувчанлик даражаси, ҳурмат қилиш ва бағрикенглик) ишлаб чиқилган;

социал капитал индикаторларини ижтимоий ҳимоя тизими фаолиятига конвертация қилиш орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари (ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бор шахслар)га ижтимоий хизмат кўрсатиш орқали такомиллаштирилган;

ёшларда мавжуд бўлган инсон капиталини социал капитал индикаторлари (ижтимоий алоқалар, ижтимоий-маданий меъёрлар)га билимлар трансфери* асосида турмуш сифатини баҳолаш кўрсаткичлари (саломатлик, таълим, маданий ҳордиқ, меҳнат фаолияти, фуқаролар ҳуқуқи, хавфсизлик, ҳаётдан қониқиш, оилавий ҳаёт, даромад) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек жамияти ҳаётига оид социал капиталнинг таърифи ва миллий индикаторлари ишлаб чиқилган;

ўтказилган тадқиқот натижалари асосида социал капитал индикаторларининг миллий хусусиятлари аниқланган;

социал капитал индикаторлари мамлакат минтақаларидаги маҳаллалар аҳолисининг турмуш сифатини баҳолашдаги ички рейтингини аниқлашнинг ўлчаш мезони сифатида қўлланилган;

социал капитал индикаторларини ривожлантириш асосида маҳаллаларнинг вазифаларини тартиблаш ва ҳудудий секторларнинг шаффофлигини намоён қилиши очиб берилган;

дунё ҳамжамияти стандартлари асосида ўтказилган тадқиқот натижалари асосланиб, мамлакатимиз минтақалари аҳолиси турмуш сифатини яхшилашга маънавий омил бўлиб хизмат қиладиган социал капиталнинг шаклланиши ва ривожланиши бўйича концептуал илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг илмий ишнинг мақсадига мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар тарихий ва расмий манбалардан олингани, аҳоли турли қатламлари орасида ўтказилган репрезентатив танловга асосланган эмпирик социологик тадқиқот ҳамда соҳа мутахассислари ўртасида олиб борилган эксперт сўровининг

* Билимлар трансфери – [Lot. transference - ўтказиш] бу билимлар, шу жумладан, технология, тажриба ва кўникмаларни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш асосида иктисодиёт ва ижтимоий соҳадаги инновацияларга олиб борадиган ташкилий тизим ва жараёндр.

натижаларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларининг аҳоли турмуш сифатини оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишида ҳамда муаммо таҳлилини амалга ошириш учун тайёрланадиган ўқув ва ўқув-методик қўлланмаларда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги рейтингларида ўрнини яхшилаш учун масъул бўлган ташкилотлар билан биргаликда халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботларни тайёрлаш, шунингдек, тегишли йўналишлар бўйича амалга ошириладиган ишларни яхшилашга қаратилган «йўл хариталари» ишлаб чиқишда амалий жиҳатдан қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Социал капиталнинг аҳоли турмуш сифатини оширишдаги имкониятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳоли турмуш сифатини оширишда социал институтлар функциялари (ижтимоий муносабатлар, регулятив, интегратив, ижтимоийлашув, коммуникатив)нинг социологик механизмлари (ижтимоий назорат, ижтимоий алоқалар, ижтимоий меъёр, ижтимоий фикр) маънавий омиллар (ахлоқи эътиқоди, дунёқараши, эркинлиги, қадриятлари, менталитет) орқали очиб берилганлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармонидаги 2-илоvasида келтирилган «Мамлакатда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этиш бўйича «Оила муқаддас» деган эзгу ғояни тарғиб қилиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга кўмаклашиш деб номланган 3-бўлимидаги 26-бандида оила институтини мустақамлаш ва ривожлантиришнинг илғор усулларини амалиётда қўллаш, фаровон оиланинг замонавий моделини тарғиб қилиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятига татбиқ этилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги 02-09/246-сонли далолатномаси). Натижада эксперт ва умумий сўровда қўлланилган индикаторлар мутахассислар орасида олиб бориладиган тадқиқотлар натижаларининг илмий-прогностик ва баҳолаш даражасини оширишга ҳамда миллий мониторинг тизимини такомиллаштиришга хизмат қилди;

жамият ҳаётини янги сифат босқичига ўтишига асос бўлувчи мезонлари (фаоллик, виждон эркинлиги, ўзаро ёрдамнинг мавжудлиги, ўзаро ишонч, истиқболига ишониши, инсонлар билан ўзаро алоқага киришувчанлик даражаси, ҳурмат қилиш ва бағрикенглик) ишлаб чиқилганлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги

ПФ-5938-сон Фармонидаги 2-илоvasида келтирилган «Мамлакатда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни самарали жорий этишнинг «Оила муқаддас» деган эзгу ғояни тарғиб қилиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга кўмаклашиш деб номланган 3-бўлимидаги 26-бандида оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг илғор усуллари амалиётда қўллаш, фаровон оиланинг замонавий моделини тарғиб қилиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятига татбиқ этилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 1 февралдаги 02-09/246-сонли далолатномаси). Натижада эксперт ва умумий сўровда қўлланилган индикаторлар мутахассислар орасида олиб бориладиган тадқиқотлар натижаларининг илмий-прогностик ва баҳолаш даражасини оширишга ҳамда миллий мониторинг тизимини такомиллаштиришга хизмат қилди;

социал капитал индикаторларини ижтимоий ҳимоя тизими фаолиятига конвертация қилиш орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари (ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бор шахслар)га ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлигига оид таклифлар «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2021 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон фуқароларининг кадрият мезонлари ва тамойиллари» мавзусида ўтказилган чуқурлаштирилган интервью шаклидаги социологик сўровда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2021 йил 2 февралдаги 01-16/46-сонли далолатномаси). Натижада мазкур услубий ишланма мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги кадриятлар тизими доирасида аҳоли турмуш сифати масалаларини амалий социологик жиҳатдан ўрганишда сермаҳсул натижаларга эришишни таъминлашга асос бўлган;

ёшларда мавжуд бўлган инсон капиталини социал капитал индикаторлари (ижтимоий алоқалар, ижтимоий-маданий меъёрлар)га билимлар трансфери асосида турмуш сифатини баҳолаш кўрсаткичлари (саломатлик, таълим, маданий ҳордиқ, меҳнат фаолияти, фуқаролар ҳуқуқи, хавфсизлик, ҳаётдан қониқиш, оилавий ҳаёт, даромад) ишлаб чиқилганлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида 1-илова 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”даги 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бандидаги вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 09 ноябрдаги 2-13-23-2782-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги №ПФ-6017 Фармони ижросини таъминлаш мақсадида институт томонидан Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини баҳолаш миллий индикаторлари ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари маъруза сифатида 2 та халқаро, 2 та илмий-амалий анжуманда илмий жамоатчиликка тақдим этилиб, муҳокамалардан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация ишининг натижалари бўйича 12 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий журналларда, шулардан 2 таси хорижий нашрдаги журналларда, 4 таси илмий-амалий конференцияларда, шулардан 2 таси халқаро конференция ва семинарлар тўпламларида нашр қилинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Аҳоли турмуш сифатини оширишда социал капитал омилини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари»** деб номланиб, унда инсон шахсий ва ижтимоий ҳаёт учун керакли бўлган моддий ҳамда маънавий бойликни йиғишга интилиши, ушбу саъй-ҳаракат инсон фаровонлигини оширишнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилиши очиб берилган. Мазкур бойлик илмий адабиётларда «капитал» тушунчаси билан изоҳланади. Социал капитал тушунчасининг пайдо бўлиш генезиси тарихий хронологик жиҳатдан тавсифланган. Ушбу тавсиф П.Бурдьё, Р.Патнем ва Ж.Коулманлар талқинлари асосида таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда А.Жалилов ва С.Саидов томонидан социал капитал тушунчаси тавсифланган. Диссертацияда келтирилган таърифларни танқидий тарзда таҳлил қилган ҳолда социал капиталга қуйидагича муаллифлик таърифи берилди. Социал капитал – бу кишиларнинг ноиқтисодий фойда сифатида шаклланадиган, саховатли фазилатларини рационаллик асосида намоён қилишга хизмат қиладиган хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворлари бўлиб, у ўзида ижтимоий муносабатлар моҳиятини белгилайдиган алоқалар,

ижтимоий-маданий меъёрлар ва ишонч каби омиллар йиғиндисини ифодалайдиган социологик категориядир.




1-расм. Социал капитал структураси⁸.

Социал капитал, энг аввало, инсон капиталининг ривожланишига боғлиқ бўлган жараён дир. Жамиятда тўлиқ шаклланган инсон капитали индикаторларини социал капитал индикаторларига билимлар трансфери асосида амалга оширилиши жамият аъзоларининг турмуш сифатини баҳолаш учун имкон яратиши, яъни инсонда шаклланган билим, малака ва кўникмалар қадрият сифатида ишонч ва ижтимоий алоқа механизмига ўтказилиши ҳақида фикр юритилган. Ушбу трансфер, ўз навбатида, социал институтлар учун баҳолаш механизми бўлиб, мавжуд фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш учун хизмат қилиши, социал капитални янада кўпайтириш учун жамият аъзоларининг социал алоқаларга бевосита ва билвосита киришишлари муҳим аҳамият касб этиши очиб берилган (2-расм).

Бобда, шунингдек, ижтимоий алоқалар социал капиталнинг асосий таркибий тузилиши эканлиги исботланган. Социал капитални кўпайтиришнинг энг ишончли йўли бу – инсоннинг ижтимоий алоқаларга киришиши орқали амалга ошириши очиб берилди. Албатта, инсоннинг ижтимоий алоқаларга киришишида ишонч категорияси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу боғланишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, социал капитал манбаси ҳисобланган ишонч орқали инсон бошқаларга қаратилган ёрдамни фақат мустаҳкам ижтимоий алоқалар асосида кўрсатиши тушунтирилган. Бобда инсон эриша олган ишонч ва ўрнатилган ижтимоий алоқалар жамиятда тўпланган ижтимоий бойлик айнан социал капитал кўринишида эканлиги исботланган.


⁸ Мазкур чизма назарий таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Инсон капитални социал капитал индикаторларига билимлар трансфери асосида турмуш сифатини баҳолаш механизмлари жараёни⁹.

Бундан ташқари диссертациянинг мазкур бобида аҳоли турмуш сифатини баҳолаш индикаторлари илғор тажрибага эга бўлган халқаро ташкилотлар методологияси ва миллий хусусият омехталигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди*.

Тадқиқот иши доирасида ноиктисодий фойда сифатида шаклланган социал капиталнинг жамият ҳаётининг янги сифат босқичига ўтишига асос бўлувчи мезонлари тадқиқ этилди (3-расм).



3-расм. Социал капиталнинг жамият ҳаётини янги сифат босқичига ўтишига асос бўлувчи мезонлари¹⁰.

⁹ Мазкур чизма назарий таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

* Ушбу индикаторларнинг тўлиқ шакли диссертациянинг 1-илоvasида келтирилган.

¹⁰ Мазкур чизма назарий таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Социал капитал ҳодисасининг ижтимоий-маданий хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида Шарқ ва Ғарб тамаддуни дунёнинг асосий ҳудудий ва маданий бўлиниши, яъни қутбларини белгилаб бермоқда деган хулоса илгари сурилган. Мазкур қутбларнинг ўзига хос хусусиятлари аҳолининг турмуш тарзи, менталитети, дини ва сиёсий тизимнинг шакл-шамойилида намоён бўлади. Шарқ ва Ғарб халқларидаги ўзаро фарқларнинг вужудга келишида ушбу қутбларнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари катта аҳамиятга эга. Асрлар давомида шаклланган маданий қадриятлар, урф-одатлар, яшаш тарзининг хилма-хиллиги бир қанча омиллар асосида юзага келган. Бу бир-бирига зидлик дунё ҳамжамиятида замонавий маданиятнинг долзарб масаласига айлангани бобда алоҳида таъкидланган. Шунингдек, Шарқ мамлакатлари аҳолиси ўзининг дунёқараши асосида узлуксиз маънавий тажрибага таяниши, мазкур тажриба эса қадимий тарихий илдизга бориб тақалиши миллий ва диний қадриятлар негизида шаклланган ментал хусусиятни тавсиф этиши очиб берилган. Ғарб мамлакатлари аҳолиси маданиятининг асосий хусусияти эса унинг ҳаётда мавжуд бўлган индивидуалликни тараннум этувчи ментал сифатларга таяниши асосланган.

2020 йилда дунё мамлакатларидаги социал капитал даражасини қадрият сифатида аниқлаш Легатум институти томонидан ўрганилган. Натижаларга мувофиқ, Ўзбекистон 167 мамлакат орасида 20-ўринда тургани қайд этилган.

1-жадвал.

Марказий Осиё мамлакатларидаги социал капитал динамикаси¹¹.

№	Давлатлар	Социал капиталнинг рейтинг даражаси динамикаси		
		2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Туркманистон Республикаси	-	39	14
2.	Ўзбекистон Республикаси	-	22	20
3.	Тожикистон Республикаси	73	26	24
4.	Қозоғистон Республикаси	93	72	29
5.	Қирғизистон Республикаси	62	37	66

Мазкур жадвал орқали мамлакатимиздаги социал капитал даражаси 2019 йилга нисбатан 2 даражага ошганлигини кўриш мумкин. Бу эса мамлакатимизда социал капитал юксалиб бораётганидан далолат беради.

SWOT-таҳлил асосида социал капиталнинг имкониятлар ва таҳдидларга кучли ва заиф томонларини боғлашни амалга ошириш, шунингдек, мавжуд маълумотларни тизимлаштириш орқали социал капитал ривожланишининг асосий омилларини шакллантириш таҳлил қилинди. Ушбу таҳлилдан кўриниб турганидек, социал капиталнинг кучли томонлари ҳар томонлама устун эканлиги ва заиф ҳамда таҳдидларни кўрсатилиши уларни бартараф этиш учун даъват бўлиб хизмат қилиши таъкидланган. Бобда хорижий тажрибага таянган ҳолда социал капиталнинг миллий хусусиятга эга бўлган ўлчов бирликлари

¹¹ The Legatum Prosperity Index™ 2020. Fourteenth edition. 2020 The Legatum Institute Foundation. www.legatum.org. *The Legatum Prosperity Index (2020)*. – P.17. <http://www.prosperity.com>, www.li.com.

(индикаторлари)нинг даражасини аниқлаш учун ўзбек маҳаллаларда ўтказилган махсус эмпирик тадқиқот натижалари ўз аксини топган. Ушбу тадқиқот мамлакатимизнинг барча ҳудудларида квотали танлов асосида танлаб олинган респондентлар томонидан Лайкерт шкаласи асосида шакллантирилган, 10 баллик баҳолаш тизими асосида социал капиталнинг кўрсаткичларини баҳолашга йўналтирилган аноним анкеталар тўлдирилган. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади социал капиталнинг ўзини ўзи бошқариш тизими – маҳалла фаолиятидаги миллий хусусиятлари асосидаги ўлчовини ўрганишдан иборат бўлиб, ушбу тадқиқотда 14 та ҳудуддан 5 тадан ихтиёрий танлов асосида маҳалла фуқаролар йиғинининг 72 нафар раис ва котиблари билан биргаликда: Андижон вилоятидан – 67 та, Бухоро вилоятидан – 95 та, Жиззах вилоятидан – 53 та, Қашқадарё вилоятидан – 114 та, Қорақалпоғистон Республикасидан – 59 та, Навоий вилоятидан – 48 та, Наманган вилоятидан – 80 та, Самарқанд вилоятидан – 110 та, Сирдарё вилоятидан – 48 та, Сурхондарё вилоятидан – 80 та, Тошкент вилоятидан – 85 та, Тошкент шаҳридан – 139 та, Фарғона вилоятидан – 111 та, Хоразм вилоятидан – 66 та респондент иштирок этган. Республиканинг 14 та ҳудуди аҳолисидан N (бош танлов) /n (умумий танлов) * ҳар бир вилоятдаги аҳоли сони = 1083 аҳоли танлаб олинган. Шу билан биргаликда ушбу тадқиқотда танлаб олинган экспертлар, яъни «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш» марказининг 5 нафар ходимлари ва «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 14 нафар интервьюерларида тадқиқот анкетаси ўтказилди. Жами 1174 нафар респондентдан 557 нафари аёллар ва 617 нафари эркекларни ташкил этган.


Натижаларга кўра, маҳаллаларда жамоатчилик ишларидаги фаоллик юқори эмаслиги қайд этилди, респондентларнинг жамоатчилик ишларига муносабатлари ўртача эканлиги аниқланди. Инсонларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллигини аниқлаш орқали социал капитал даражасини аниқлаш мумкин бўлди. Социал капиталнинг мезонлари бир-бирига боғлиқлиги нуқтаи назаридан инсонларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллиги даражаси ва жамоатчиликдаги ўзаро ишонч даражаси ўрта даражада баҳоланганлигини (корреляцион) таҳлилдан кўриш мумкин. Тадқиқотда Спирманнинг поғонали корреляция коэффиценти таҳлилидан кенг фойдаланилди. Корреляция коэффиценти +1 дан -1 гача қийматларни қабул қилиши мумкин. Ушбу қиймат 1 рақамига қанчалик яқин бўлса, уларнинг орасидаги алоқа шунчалик кучли ҳисобланади. Қанчалик қиймат нолга яқин бўлса, у ҳолда қийматнинг бир-бирига бўлган алоқаси заифлигидан далолат беради. Спирманнинг поғонали корреляция коэффиценти формуласига кўра:

$$r_s = 1 - \frac{6 \sum id_i^2}{(n-1)n(n+1)}$$

Баҳолаш балларнинг умумий тўплами 11 га тенг. Шундан келиб чиқиб: $r_s = 1 - 6*(0+0+0+0+0+0+1+1+0+0+0)/10*11*12 = 1 - 12/1320 = 1 - 0,0090909090909091 = 0,9909090909090909$


Мазкур таҳлилга кўра, олинган натижа 1 рақамига жуда яқинлиги асосида ушбу алоқадорлик юқори кучга эгалигини кўриш мумкин. Ҳар қандай

фукаролик жамиятининг шаклланишида жамиятдаги ўзаро ишонч фукароларнинг ўз позицияларини намоён қилишларига сабабчи бўлади. Бобда айнан жамоатчилик ишлари инсонларнинг ўзларини намоён этишларига ёрдам берувчи омил эканлиги кўрсатиб берилган. Бинобарин, жамиятимиз аъзоларида ўзаро ишончнинг ошиши уларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллигининг ўсишига асос бўлади.



4-расм. Инсонларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллиги даражаси ва жамоатчиликдаги ўзаро ишонч даражасининг корреляцияси¹².

Маҳалла аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровда инсонлар ҳаётида дўстларнинг мавжудлик даражаси юқори баҳоланганлиги қайд этилди. Дўстлик инсон ҳаётида норасмий ижтимоий алоқани акс эттиради. Норасмий ижтимоий алоқалар – бу кишиларнинг ўз мақсад ва манфаати асосида бирлашадиган, шахсий ва давомий қон-қариндошлик ҳамда дўстлик муносабатларидир. Ушбу норасмий ижтимоий алоқалар – дўстлик ришталарининг кўпайиши жамиятда социал капиталнинг ортишига сабаб бўлади. Дўстлик социал капиталнинг энг муҳим элементи сифатида индивидуал ва жамоавий мақсадларга эришиш учун асосий ресурс сифатида хизмат қилиб, у бир қатор ижтимоий алоқалар ва ўзаро ҳаракатларни шакллантириши бобда асослаб берилди. Аҳоли ва экспертлар орасида ўтказилган тадқиқотда инсонлар ҳаётидаги ўзаро ёрдамнинг мавжудлиги юқори даражада баҳоланганлиги қайд этилган.




5-расм. Дўстларнинг инсонлар ҳаётида мавжудлиги даражаси ва инсонлар ҳаётида ўзаро ёрдамнинг мавжудлиги даражасининг корреляцияси¹³.

¹² Социологик тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹³ Социологик тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ўтказилган тадқиқотда маҳаллалар аъзоларининг ўз истиқболига ишониши юқори даражада баҳоланганлиги қайд этилди. Экспертларнинг ҳеч бири инсоннинг ўзига ва истиқболига ишончини паст даражада деб баҳоламаган. Чунки модернизациялашаётган жамиятда ҳар бир инсон олдинга интилади ва ўзига ишонади ҳамда эртанги истиқболини яратади. Бобда социал капиталнинг муҳим индикаторларидан бири – инсонларнинг бошқа кишилар билан ўзаро алоқага киришувчанликни маҳаллалар аҳолиси юқори даражада баҳолаганлиги қайд этилган. Мамлакатимизда аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги самарали механизмлари ва усуллари жорий этилаётган бўлса-да, аммо ушбу устувор йўналишда маълум бир муаммолар борлиги ушбу ўтказилган тадқиқот натижасида кўринди.

Бобда инсон ижтимоий мавжудот сифатида бошқа инсонлар билан мулоқот қилиши, шунингдек, шахсий муносабатлар сифати фаровонлигимизни белгилайдиган муҳим омил эканлиги очиб берилган. Мазкур ҳис-туйғуни ўлчаш ҳаддан ташқари субъектив бўлиши мумкин, аммо шунга қарамай турли мамлакатларнинг турмуш сифатини таққослашда объектив маълумот сифатида фойдали қўшимча бўлиши мумкинлиги асосланган. Субъектив маълумотлар шахсий саломатлик, таълим савияси, даромад, ўзини ифода этиш ва алоҳида инсоннинг ижтимоий шароитини баҳолашда қўл келиши мумкинлиги исботланган.




6-расм. Инсонни ўзига ва истиқболига ишониши даражаси ва инсонлар билан ўзаро алоқага киришувчанлик даражасининг корреляцияси¹⁴.

